



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељаги
бўёқ
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: xalksuzi@uzpak.uz • 2004 йил 3 август № 159 (3434) Сешанба

ЎЗ УЙИНГНИ, ЎЗ ЮРТИНГНИ ЎЗИНГ АСРА!

31 июль куни Оқсаройда Тошкент шаҳрида рўй берган террорчилик ҳаракатлари бўйича ташкил этилган Ҳукумат комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов бошқарди.

Ҳукумат комиссияси мажлиси


Тегишли хизматлар ва идоралар раҳбарлари содир этилган портлашлар билан боғлиқ фактларнинг таҳлили ҳамда уларни текшириш борасида кўрилаётган аниқ чоралар тўғрисида ахборот берди.

Ифтихорда аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб боришга эътибор қаратилди. Террорчилик ҳаракатларининг такрорланмаслиги учун зарур чоралар кўрилгани, пойтахтимизда тинчлик-осойишталик ҳукмрон эканлиги, хавотир учун ҳеч қандай асос йўқлиги қайд қилинди.

Атрофлича ва чуқур текширувни амалга ошириш, террорчилик ҳаракатларининг сабаблари ва ижрочиларини аниқлаш ишларини кучайтириш, хусусан, террорчиларнинг шахси ва уларнинг кимлар билан алоқадорлигини, ортида кимлар турганлигини жиҳдий текшириш юзасидан қатъий кўрсатмалар берилди.

Президентимиз террорчилик оқибатида ҳалок бўлганларнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирди. Жабранганларга ёрдам кўрсатиш учун барча чора-тадбирлар кўрилиши кераклигини алоҳида таъкидлади.

(Ў.А.)



Юртимизда ёз фаслининг охириг ойна бошланди. Табиат ёгин-сочин мавсумига яқинлашаётганимиздан огоҳлантираётгандек — тунда ёмғир ёғиб, тонгда шунга яраша салқин эпкинлар эсмоқда. Пойтахтимизда ҳаёт ўз маромида давом этмоқда. Шаҳар кўчалари, сўлим хиёбонлар гажвум. Ҳамюртларимиз кундалик турмуш ташвишлари билан машғул. Ким ишга шошган, кимдир ишдан қайтмоқда. Кимдир оила аъзолари билан сайрга чиққан. Яна кимлардир бозор-ўчарга отланган.



га қарши қаратилган бундай фитна ва хатарлар қайта такрорланмаслиги учун теҳкорлик билан кўрган қатъий ва зарур чоралари мисолида аққол намойён бўлди.

Буни халқимизнинг жипслиги ва кучли иродаси тимсолида ҳам аниқ ва равшан кўриш мумкин.

Портлашлар оқибатида ҳаётдан кўз юмган ватандошларимиз хонадонларидан уларнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик ихзор этиш, кўнгли сўраш учун келувчиларнинг қадами узилмаётти.

Масъулиятли ва оғир дамларда бир-бирига ҳамдам, далда ва сўян бўлиш халқимизнинг азалий одати. Бу гал ҳам шундай бўлди. Узаро суҳбатларда, оммавий ахборот воситалари орқали чиқишларда юртдошларимиз бўлиб ўтган воқеага ўзларининг қатъий муносабатини билдирмоқдалар. Бундай тажовуз ва террорчилик хуружларининг бошида турганлар халқимизнинг чексиз нафратига лойиқ экани, ҳеч ким ҳеч

қачон мустақиллигимизга, овоз ва бахтли ҳаётимизга, тинчлик ва осойишталигимизга раҳна солломаслиги баралла айтилмоқда.

Бугун замондош ва ватандошларимизнинг фикру эҳтироҳидаги ягона ва эзгу мақсад-муддо, ақдил хоҳиширода шу:

Ушбу кутлуг заминда яшаётган каттаоқ-кичик барчамиз бир тану бир жон бўлиб, терроризм ва экстремизм хавфига қарши қатъий билан курашайлик. Огоҳ, хушёр ва сезгир бўлайлик. Зеро, Президентимиз Ислам Каримов даввати — "Ўз уйингни, ўз юртингни ўзинг асра" деган шioriнинг маъносини кенг ва чуқур англаб, гўзал ва бетакрор Ватанимизнинг тинчлигини, халқимиз осойишталигини кўз қорачиғидек сақлашга ҳар биримиз баб-баравар масъулмиз.

Ғулом МИРЗО,
Ў.А. шарҳловчиси.
Мухаммад АМИН, Сураб
ЎРМОНОВ (Ў.А.) олган
суратлар.

30 июль куни Тошкент шаҳрида содир этилган террорчилик хуружлари муносабати билан қатор халқаро ташкилотлар ва давлатлар раҳбарлари берган баёнотларда ушбу муҳдиш жиноят кескин қораланмоқда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга ва қурбон бўлганлар оилаларига ҳамдардлик билдирилмоқда.

Террорчилар ҳаракатлари қораланмоқда

Европа Иттифоқи Умумий ташқи сиёсат ва хавфсизлик сиёсати бўйича олий вакили Хавьер Солана ўз баёнотида қуйдагиларни қайд этган:

"Мен Тошкентда содир этилган террорчилик ҳаракатлари муносабати билан чуқур ларзага келдим ва ташвишга тушдим. Ушбу муҳдиш воқеалар натижасида қурбон бўлганлар ва уларнинг оила аъзолари, шунингдек, Ўзбекистон ҳукуматига чуқур ҳамдардлик билдираман".

АҚШ Давлат котиби Колин Пауэл қуйдаги баёнот билан чиқди:

"Тошкентда содир этилган террорчилик ҳаракатларини қоралаймиз. Бегуноҳ одамлар қурбон бўлдилар. Биз ҳар қандай ҳолатда ҳам бу каби ҳаракатларни оқлай олмаймиз. Мен Ўзбекистон ҳукумати мазкур террорчилик ҳаракатлари ижрочиларини топиб, уларни одил судга тортишда барча имкониятларни ишга солишига ишонаман.

Ўзбекистон раҳбариятининг терроризмга қарши курашдаги қатъий ва Ўзбекистоннинг бу офатга қарши глобал урушда АҚШнинг ишончли ҳамкори эканига ишончим комил".

"Афғонистон Утиш Ислам Давлати бегуноҳ фуқаролар ўлимига сабаб бўлган ва хавфсизлигини бузиш мақсадида содир этилган ушбу террорчилик ҳаракатларини қоралаб, минтақада ва дунёда терроризмга қарши ҳамкорликдаги курашни кучайтириш заруриятини таъкидлайди", - дейлади ташқи ишлар вазири Абдулла Абдулганининг ҳукумат номидан қилган муносабатида.

Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенконинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига йўллаган таъзияномасида шундай дейлади:

"Қурбонлар бўлишига сабаб бўлган Тошкентдаги портлашлар тўғрисидаги хабар Беларусь Республикасида қайғу билан қабул қилинди.

Мамлакатимиз терроризмнинг барча кўринишларига қарши қатъий кураш олиб боради ва ушбу жиноят ташкилотчилари қилмишларига яраша жазоланишига ишонди.

Беларусь халқи ва шахсан ўз номидан Сизга, муҳтарам Ислам Абдуғаниевич, ҳалок бўлганларнинг қариндошлари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдираман".


Шунингдек, телефон орқали бўлиб ўтган мулоқот чоғида Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов Тошкентда содир этилган террорчилик ҳаракатлари муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга ўз ҳамдардлигини билдирди.

"Жаҳон" АА.

СИНОВ ЛАҲЗАЛАРИ

Абитуриент — 2004

Биринчи августда республикамиздаги олтидан ортиқ олий ўқув юртида 2004-2005 ўқув йилига талабалikka қабул учун давлат тест имтиҳонлари бўлиб ўтди. Бундай синовлар ёшлар ҳаётида ва тақдирда унутилмас кунлардан бирига айланиши, шубҳасиз.



Бу йил олий ўқув юртида жами 245 мингга яқин абитуриент тест имтиҳонлари топширди. Шундан энг билимли, омади чопган 51.175 нафари режа бўйича талабалikka қабул қилинади. Демак, умумий ҳисобда бир ўринга бешта даввогар туғри келяпти. Термиз давлат университетида энг кўп — 12 мингга яқин абитуриент ҳужжат топширган. Бу рўйхатни Низомий номидаги педагогика университети ва Самарқанд Давлат университети давом эттиради.

Ихтисосликлар бўйича олинганда эса ёшлар кўпроқ юридик, иқтисодий, техника таълим йўналишларида билим эгаллашни ният қилганликлари маълум бўлди.

Тест имтиҳонлари йил сайин такомиллаштириб бормоқда. Бу йил ҳам муайян ўзгаришлар бўлди. Жумладан, ҳозирга қадар иходий имтиҳонлар учун энг кўп 111,6 балл қўйилган бўлса, энди бошқача талаб қўйилмоқда. Бундай синовлар учун 75, 5 балгача қўйилади.

Биз ҳам тест имтиҳонлари куни Жаҳон тиллари университетида бўлдик.

Олий ўқув-юртига кириш имтиҳонлари шунчаки билимини синовдан ўтказиш эмас. Буни яқини англаган абитуриентлар белгиланган

вақтдан илгарироқ келиб олишган. Ниҳоят абитуриентлар тест имтиҳонларини топширишга киришдилар. Ота-оналар ҳаяжон ила фарзандларини кузатиб қолишди.


— Университетимизда ўқиш ниятида бўлганлардан 3590 та ариза тушди, — дейди қабул комиссияси масъул котиби Маннон Нишонов. — Айниса инглиз ва немис тили факультетларига талабгорлар кўп бўлди. Синов натижаларига кўра, 560 нафар талаба бюджет ҳисобидан, 860 нафари эса, шартнома асосида билим олиши мумкин бўлади. Кўриб турганимиздек, абитуриентлар учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган. Ишонимизки, улар ўз билимларини намойиш этадилар ва энг билимдонлари талабалар сафидан ўрин олади.

Ҳа, илм олиш, өтук мутахассис бўлиб өтишишни орузу қилган ёшларимиз сафи йил сайин кенгайиб бораётгани кувонарли ҳол. Мана, ана шу мақсадни дилига маҳкам туққан абитуриентлар катта синовдан ўтидилар. Тез кунда уларнинг минглаб имтиҳон натижаси ҳам эълон қилинади. Биз улар қатори ўша кунни ҳаяжон билан кутган ҳолда йигит-қизларга омад тилаб қоламиз.

Рустам БОЙТЎРА,
«Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТДА: Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университетида тест синовларидан лавҳа акс өтган.

Мухаммад АМИН (Ў.А.) олган сурат.



Уст-Юрт гази Россияга

Коракалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида оролбўйлик газчилар билан Россия Федерациясининг «Газпром» компанияси мутасаддилари ўртасида расмий учрашув бўлиб ўтди. Мулоқот «Шахпахти» табиий газ қониқдан биргаликда фойдаланиш масалаларига бағишланди.

«Шахпахти» захираларини ўзлаштириш борасидаги яқин истиқболга мўлжалланган битимни Жўқорғи Кенгес Раисининг ўринбосари Ф. Ражабов ва «Газпром» вакиллари имзоладилар.

я. ҚҰҚОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

АЁЛЛАР — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

ТОШКЕНТ. Жамиятнинг ижтимоий-маънавий тараққиёти аёлларга муносабат билан белгиланади. Мамлакатимизда истиқлолнинг илк кўнариданок хотин-қизлар манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг жамият бошқарувидаги мавқеи ва фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада қабул қилинган умумий давлат дастурлари, қарорлар, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ҳаётга кенг жорий этилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси Фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бунинг яна бир ёрқин далилидир.

Хотин-қизлар кўмиталари жамоат ташкилоти сифатида аёллар муаммоларини ҳал этиш, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоялаш борасида салмоқли ишларни амалга оширмоқда.

Кейинги вақтда баъзи хотин-қизлар кўмиталари аёлларнинг муаммоларидан узоқлашиб, маъмурий-буйруқбозлик асосида иш қўрадиган муассасага айланиб қолгани ҳам сир эмас. Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси-

нинг ҳисобот-сaiлов конференциясида ана шу ҳақда сўз борди.

Таъкидланганидек, пойтахт аҳолисининг эллик бир фоизини аёллар ташкил этади. Улар турли соҳаларда фаол меҳнат қилмоқда. Шаҳар хотин-қизлар кўмитаси тегишли жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда аёллар манфаатларини ҳимоялашни кучайтириш йўлида муайян ишларни амалга оширмоқда.

Айни вақтда хотин-қизларни иш билан таъминлаш, шу мақсадда янги иш ўринлари барпо этиш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ноаҳил оилаларда самарали иш олиб бориш, ёшларни турли экстремистик оқимлар таъсиридан сақлаш борасида ҳали кўп иш қилиниши лозим.

Конференцияда шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг бу борадаги Ҳаракат дастури қабул қилинди. Республика хотин-қизлар конференциясига делегатлар сайланди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Рустам Азимов иштирок этди.

Пойтахт хотин-қизлар кўмитасининг шу куни ўтган пленумида Фарида Абдурахимова Тошкент

шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси этиб қайта сайланди.

Назозат УСМОНОВА,
Ў.А. мухбири.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ хотин-қизлар кўмитасининг ҳисобот-сaiлов конференцияси бўлиб ўтди. Унда Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси Фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва Вазирнинг Маҳкамасининг тегишли қарори асосида аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини янада юксалтиришга оид масалалар муҳокама этилди.

Анжуманда вилоят хотин-қизлар кўмитаси аёлларнинг ижтимоий ҳаётда фаол иштироки учун зарур шароитлар яратиш борасида муайян ишларни амалга ошираётгани таъкидланди. Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, оилада маънавий-ахлоқий муҳитни янада соғломлаштириш борасида давлат ва жамоат ташкилотлари билан амалий ҳамкорлик яқши самара бермоқда.

(Давоми 2-бетда).

Истиқлол тинчлик қалқони, қалқони, носбони

- Ҳарбий хизматдаги янгиликлар
- Навқирон йигитлар орзуси
- “Улаш армияга кетаяпти!”
- “Мустақиллик бизга нима берди?”

катъий йўлини белгилади. Бугунга келиб, кишиларимизнинг армияга муносабати тубдан ўзгарганини, йигитларнинг “Армияга бораман” дея дадил айтишлари айтиш шў ўзгаришларнинг натижаси эканига шубҳа қўймаслик мумкин эмас.

Сафар давомида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг марказий ҳарбий полигонидagi жараён янада бошқача бўлди. Бу ерда курсантларнинг танқидлардан фойдаланишлари ва ўқ отишни машқ қилишлари ниҳоятда қизғин эди. Шунингдек, Сержантлар тайёрлаш мактабига бориб, у ердаги бир-биридан шинам, замонавий компьютерлаштирилган жонларни кўриб олиб борилаётган ислохотлар ўз самарасини бераётганини аққол хис қилгандик.

Бундай тадбирлар тез-тез бўлиб турибди. Жумладан, жорий йилнинг баҳорги чақирқи мавсумида йигитларнинг армияга жўнатишда қатнашганига борадаги таассуротларимизни янада бойитганди. Биз Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўлимига ўринбосари, полковник Маннобжон Аҳмедов бошчилигида йигитлик бурчини ўтаб бўлганлар билан бирга улар туғилиб ўсган гўша — Термизга борганимизда, армиядан кайтган ўғлини кўриб олган Зулхумор опа Ўзбекистоннинг армияга қандай муносабатини билдирибди. “Баъзан мустақиллик бизга нима берди, деб қўйлашди, — деган эди ўшанда аскарнинг онаси.

— Мен айтаман, истиқлол бизга мустақил юртимизда эркин яшашни, фарзандларимизнинг ўз армиядаги хизмат қилишга бериши. Энг асосийси ўғлимиз ҳозир нима қилаётган экан, қорни тўқиндик, деб ҳавотирда эмасми. Чунки улар ўз элини ҳимоя қилаётган. Хукуматимиз эса ўзининг муносиб қўлчиларини ҳеч қачон ҳор қилмайди!”

Таъқидлашни истардикки, онанинг юрагидан чиққан бундай сўз аскарларни кўтиб олиш маросимига чиққан бошқа кишиларнинг ҳам дилида мўжассам эди. Қайси бир ота-она билан гаплашмайлик, улар севинч қўёшлари билан армиядаги ислохотлардан рози эканиларини изҳор этишарди. Биз эса бу изҳорлардан яна бир англадикки, ҳарбий жаҳаддаги ўзгаришлар, янгиликлар ҳаётга тула татбиқ этилаётган. Одамларда армияга бўлган фикр энди олдингидай эмас. Демак, янгиликнинг замирида инсон манфаати мўжассам эканлиги ўз тасдиғини топмоқда.

Мамлакатимизнинг ҳалқаро ҳамжамиятидаги обрўсининг ҳарбий қудрати, Қуролли Кучларимиз имконини даражасига ҳам бориб тақаллади. Ана шу қудратнинг нечоқлиқ залворини бўлиши эса мустақил армиямиздаги ислохотларнинг изчил амалга ошириши билан бевосита боғлиқ. Демак, нафақат ҳарбий соҳада, балки бошқа соҳаларда ҳам кўзда тутилган мақсад муваффақиятга эришиш учун мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
“Халқ сўзи” мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Хотин-қизларнинг ижтимоий аҳолини янада юксалтириш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, улар ўртасида тадбиркорликни кенг қўлчи қилиш, соғлом оилани шакллантириш, аёллар ва оила спортини ривожлантириш бугунги кундаги асосий вазифалардан дур.

Анжуманда хотин-қизлар ўртасида диний-маърифий тушунтириш ишларини ташкиллаштириш, вояга етмаганлар билан ишлашни

мидан кўпини хотин-қизлар ташкил қилади. Уларнинг саноат, қишлоқ ҳўжалиги, таълим, маданият, тиббиёт каби соҳаларда ўз ўрни бор. Аёллар тадбиркорлик, фермерлик билан ҳам тобора фаолроқ шуғулланмоқда.

Вилоятда оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, аёлларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Аммо, масалага мамлакатимиз Президентининг

лот, ўқув юрталарида хотин-қизлар кўмиталарининг уч қўздан зейд бошланғич ташкилоти фаолият юритмоқда.

Халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилиб, мустақил мамлакатимиз тараққиётига муносиб улшў қўшиб келаётган аёллар сирдарёлик аёллар давлатимизнинг юксак орден ва медалларига сазовор бўлган.

Вилоят хотин-қизлар кўмитасининг ҳисобот-саноат конференциясида хотин-қизларнинг ҳуқуқий



Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондонини Ислам Каримов ташаббуси билан ҳарбий тизимни ривожлантириш, соҳадати ислохотларни изчил амалга ошириш борасида дадил қадамлар ташланмоқда. Ўзининг бўлса, Иккинчи чақирқи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида давлатимиз раҳбари армия ҳақида гапириб, бу соҳада бутунлай янги иш олиб бориш ҳўсусида тўхталган эдилар. Юртбошимизнинг Қуролли Кучлар олдида қўйган талабларидан келиб чиққан ҳолда 2002 йил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессиясида “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги ва 2003 йил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессиясида “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида”ги Қонунларнинг қабул қилиниши ҳарбий хизматни мамлакатимизда олиб борилаётган жамиятни демократик тарзда янгилаш жараёнига имконини бериши. Таъқидлаш ҳўзоки, ушў ҳўжатлар қабул қилингандан сўнг ҳарбий соҳада бир қатор янгиликлар, жумладан, ҳарбий хизмат муддатининг қисқартирилиши (18 ойдан 12 ояга), сафарбарлик қақирув резервидаги хизматнинг юзага келиши, Сержантлар мактабининг ташкил этилишига замин яратилди ва шундай бўлди ҳам. Ҳўш, мудофаа тизимида бундай янгиликларни жорий этишга қандай зарурат бор эди? Айтиш керакки, бу ислохотларнинг юзага келиши, аввало, мустақиллик шарофатидан. Қўлаверса, тизимдаги ислохотлар замирида мустақилликни мустақамлаш, сарҳадларимизнинг дахлсизлигини таъминлаш истаги мавжуд. Биз қўйда ушў янгиликларнинг одамларда, ҳарбий хизматга бораётганлар ҳамда хизматини ўтаган йигитларда уйғотган таассуротлари ҳақида гапириб ҳўш эдик.

Мамлакатимизнинг мустақил халқига қадам қўйиб, мустақилликнинг ҳўш ҳўжати бўлиши керакки, ушў ҳўжатлар қабул қилингандан сўнг ҳарбий соҳада бир қатор янгиликлар, жумладан, ҳарбий хизмат муддатининг қисқартирилиши (18 ойдан 12 ояга), сафарбарлик қақирув резервидаги хизматнинг юзага келиши, Сержантлар мактабининг ташкил этилишига замин яратилди ва шундай бўлди ҳам. Ҳўш, мудофаа тизимида бундай янгиликларни жорий этишга қандай зарурат бор эди? Айтиш керакки, бу ислохотларнинг юзага келиши, аввало, мустақиллик шарофатидан. Қўлаверса, тизимдаги ислохотлар замирида мустақилликни мустақамлаш, сарҳадларимизнинг дахлсизлигини таъминлаш истаги мавжуд. Биз қўйда ушў янгиликларнинг одамларда, ҳарбий хизматга бораётганлар ҳамда хизматини ўтаган йигитларда уйғотган таассуротлари ҳақида гапириб ҳўш эдик.

Мамлакатимизнинг мустақил халқига қадам қўйиб, мустақилликнинг ҳўш ҳўжати бўлиши керакки, ушў ҳўжатлар қабул қилингандан сўнг ҳарбий соҳада бир қатор янгиликлар, жумладан, ҳарбий хизмат муддатининг қисқартирилиши (18 ойдан 12 ояга), сафарбарлик қақирув резервидаги хизматнинг юзага келиши, Сержантлар мактабининг ташкил этилишига замин яратилди ва шундай бўлди ҳам. Ҳўш, мудофаа тизимида бундай янгиликларни жорий этишга қандай зарурат бор эди? Айтиш керакки, бу ислохотларнинг юзага келиши, аввало, мустақиллик шарофатидан. Қўлаверса, тизимдаги ислохотлар замирида мустақилликни мустақамлаш, сарҳадларимизнинг дахлсизлигини таъминлаш истаги мавжуд. Биз қўйда ушў янгиликларнинг одамларда, ҳарбий хизматга бораётганлар ҳамда хизматини ўтаган йигитларда уйғотган таассуротлари ҳақида гапириб ҳўш эдик.

Мамлакатимизнинг мустақил халқига қадам қўйиб, мустақилликнинг ҳўш ҳўжати бўлиши керакки, ушў ҳўжатлар қабул қилингандан сўнг ҳарбий соҳада бир қатор янгиликлар, жумладан, ҳарбий хизмат муддатининг қисқартирилиши (18 ойдан 12 ояга), сафарбарлик қақирув резервидаги хизматнинг юзага келиши, Сержантлар мактабининг ташкил этилишига замин яратилди ва шундай бўлди ҳам. Ҳўш, мудофаа тизимида бундай янгиликларни жорий этишга қандай зарурат бор эди? Айтиш керакки, бу ислохотларнинг юзага келиши, аввало, мустақиллик шарофатидан. Қўлаверса, тизимдаги ислохотлар замирида мустақилликни мустақамлаш, сарҳадларимизнинг дахлсизлигини таъминлаш истаги мавжуд. Биз қўйда ушў янгиликларнинг одамларда, ҳарбий хизматга бораётганлар ҳамда хизматини ўтаган йигитларда уйғотган таассуротлари ҳақида гапириб ҳўш эдик.

Акимжон АДИЗОВ,
ЎЗА мухбири.

АЁЛЛАР — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

қўчайтириш, оила ва маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида миллий анъана ва удуларимиз, урф-одатларимизнинг маъно-моҳиятини тўри тарғиб этишни қўнайитиш зарурлигига эътибор қаратилди.

Конференцияда вилоят хотин-қизлар кўмитасининг Харақат дастури қабул қилинди. Республика хотин-қизлар конференциясига делегатлар сайланди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Азиев, Тошкент вилояти ҳўким К.Тулаганов иштирок этди.

Шў кўни вилоят хотин-қизлар кўмитасининг пленуми бўлди.

Унда Адиба-Аҳмеджонов ва Тошкент вилояти хотин-қизлар кўмитасининг раиси этиб қайта сайланди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

БУХОРО. Вилоят хотин-қизлар кўмитасининг ҳисобот-саноат конференциясида ўтган икки ярим йилда аёлларнинг ижтимоий-сўсий фаоллигини ошириш борасида амалга оширилган ишлар, йўл қўйилган қамчиликлар ҳақида гап борди. Вилоят аҳолисининг яр-

“Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони талабларидан келиб чиқиб қаралса, вилоят хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини жонлантириш учун ҳали кўп ишлар қилиниши лозимлиги маълум бўлади. Айниқсан, қишлоқ аёлларининг аҳолини янада яхшилаш, уларни иш билан таъминлаш, соғлигини мустақамлаш борасидаги ишларни фаоллаштириш зарур.

Конференцияда Республика Хотин-қизлар кўмитасининг ҳисобот-саноат конференциясига делегатлар сайланди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси С.Иномов, Бухоро вилояти ҳўким С.Хусенов иштирок этди.

Шў кўни вилоят хотин-қизлар кўмитасининг пленуми бўлиб ўтди. Унда Мақсуд Содиқова Бухоро вилояти хотин-қизлар кўмитасининг раиси этиб сайланди.

Илхом САФАР,
ЎЗА мухбири.

ГУЛИСТОН. Сирдарё вилоятидаги туман, шаҳар, қорхона, муассаса, ташки-

Парламент соати

Олий Мажлисининг Иқтисодиётни ислох қилиш ва тадбиркорлик кўмитаси Урганч шаҳрида сайёр йиғилиш ўтказди. Унда “Товар бозорига монополизм фаолиятини чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги Қонуннинг Хоразм вилоятидаги ижроси масаласи муҳокама қилинди.

Рақобат — тараққиёт омили

Парламент депутатлари, тегишли идоралар раҳбарлари, соҳа мутахассислари иштирок этган ушў йиғилишнинг қўмитаси раиси М. Умаралиев олиб борди. У мазкур Қонун ижроси юзасидан вилоятда муайян ишлар амалга оширилганини таъқидлади. Хўсусан, Қонуннинг аҳамиятини тарғиб қилиш бўйича дастур асосида жойларда семинарлар уюштирилмоқда. Маҳаллий газеталарда унга доир мақолалар чоп этилмоқда.

Шў билан бирга, қатор қамчиликларга йўл қўйилган

ни ҳам рўй-рост айтилди. Масалан, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳўдудий бошқармаси Хоразмда 2003 йилда 36 маҳсулот (хизмат) тури бўйича 31 та, жорий йилнинг олти ойида 39 маҳсулот (хизмат) тури бўйича 36 та монополизм қорхона борлигини рўйхатга олган. Қўмита аъзолари Қонун талабларини ўрганганида эса ўтган йили 49 та, 2004 йилнинг биринчи ярмида 33 та ҳўжалик субъекти ўз сўтун мавқенини суиистеъмол қилаётгани аён бўлди. Бу

қорхоналар томонидан контрагент бошқа ҳўжалик юритувчи субъектларга нисбатан тенг бўлмаган шартномалар тузилган. Бундан ташқари, Қонуннинг 7-моддасига зид равишда 2003 йилда 8, жорий йилнинг олти ойида 5 марта акциядорлик жамиятини фаолиятга аралаштирилган бўлиши таъқидланди. Вилоят миқёсидаги бошқарув органлари томонидан қабул қилинган баъзи қарорларга қўра, алоҳида ҳўжалик субъектларига устуллик берган. Бу Қонун талабларига нисбатан ҳўрматсизлик белгисидир.

Йиғилишда Қонун ижросини таъминлаш юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Ойбек РАҲИМОВ,
“Халқ сўзи” мухбири.

Бугуннинг гапи

Маълумки, олий ўқув юрталарида таҳсил олаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга молиявий қўмак бериш мақсадида хукуматимиз томонидан таълим кредитлари жорий этилган. Бу ўз навабатида билим эгаллашга интилаётган ёшлар сафининг янада кенгайишига хизмат қилмоқда.

Янги ўқув йили олдида, айниқсан, талабалар, уларнинг ота-оналарини таълим кредитлари ҳақидаги маълумотлар кўпроқ қизиқтирмоқда. Буни таҳририятимизга келаётган мактублардан ҳам билиш мумкин. Газетехонлар ўз хатларидега кредит олиш, қайтариш, фойз тўловларини амалга ошириш ҳўсусидаги саволлар ҳақида кредит олиш жараёнида дуч келаётган муаммолар ҳўсусида ёзадилар.

“Мен Бухоро шаҳрида яшайман. Тошкентдаги олий ўқув юрталаридан бирга тўлов-контракт асосида ўқишга кирганман, — деб бошлайди ўз мактубини Н. Азиева. — Таълим кредити олишим учун қайси банкка мурожаат қилсам бўлади? Бу ҳақида маълумот берсангиз.”

Андижон вилояти Марҳамат туманидан хат йўлаган Д.Мамазоитов эса шундай деб ёзди:

“Мен ФарДУ Иқтисодиёт факультети талабасиман. Ота-онам вафот этган. Шароитим огирлиги туфайли таълим кредити олиш учун ўзим яшайдиган туман банк бўлимларига мурожаат қилдим. Улар бизда ресурс йўқ, кредит беришимиз учун маҳалланинг кафилигини ўтмайди, дейишди. Ҳўшнинг давом эттиришим эса бевосита шў кредитга боғлиқ.”

Сурхондарё вилояти, Шеробод туманида яшовчи Р.Ҳўжанапасовдан келган хатнинг мазмуни қўйдагича:

“Икки фарзандим Термиз давлат университетидега тўлов-контракт асосида ўқишди. Қизимга бир амаллаб тўловни нақд пул орқали ўтказдик, ўғлимга эса банкдан ярим йилгигина кредит ололдик, ҳўлос. Бу орада турмуш ўртоғим оламдан ўтди. Ҳўлимга иккинчи ярим йиллик учун кредит олиш менинг зиммамга тушди. Мен мурожаат қилган банк ҳодимларининг айтишича, улардан олган кредитни фойзи билан қайтарсамгина менга яна қарз беришар экан. Ваҳоланки, ўғлим болаликдан II гуруҳ ногирони бўлганилиги боис, фойзсиз кредит олишга ҳақлимиз. Наҳотки, банк ҳодимлари бундан хабардор бўлмаса?”

Юқоридега келтирилган мактублардан келиб чиқиб, биз республика Марказий банки раёнининг ўринбосари Ашур ҚОДИРОВГА бир неча саволлар билан мурожаат қилдик.

Таълим кредити — ёшлар имконияти

— Талабалар учун мўлжалланган таълим кредитлари қайси банклар томонидан берилиши мумкин?

— Вазирлар Маҳкамасининг “Олий ўқув юрталарида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредити бериш тўғрисидаги қарорига биноан, таълим кредитлари қарз олувчи яшайдиган аҳоли пунктида жойлашган тижорат банклари бўлимлари томонидан берилади. Шўни таъқидлаб ўтиш керакки, ҳозирги кўнга қадар мамлакатимизнинг тижорат банклари томонидан берилган таълим кредитларининг умумий қиймати 2,3 миллиард сўмни ташкил этди.

— Фойзсиз кредит қимларга берилади?

— “Таълим кредити бериш тўғрисидаги Низом”га мувофиқ, чин етимлар, “Меҳрибонлик уйлари”да тарбияланганлар ҳамда болаликдан биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари фой-

зисиз кредит олиш ҳўқуқига эгадилар.

— Айрим ҳўлларда туман банк бўлимлари томонидан кредит бериш борасида муаммолар юзага келмоқда. Масалан, маблаг йўқлиги сабаб берилаётган кредитлар масаласи ҳақида нима дея оласиз?

— Менимча, бунга сабаб кредит, унинг фойдали томонлари ҳақидаги тушунақлар аҳоли ўртасида тўлиқ шаклланиб улгурмаганилигида бўлса керак. Кўп ҳўлларда кредит олувчилар банкка кечикиб мурожаат қилишди. Банкка қўйилган талаблар эса кўп бўлади. Шў боис етарли маблаг топилай қилиши мумкин. Ҳисоб тўғри йўналтирилиши учун қамда бир ой аввал харақат бошлангани маълум.

— Таълим кредити олишда мол-мулк ёки қийматли қўғроқ гаровга қўйилган экан. Мулк қўйилган оила фарзанди кредит ололмайдими?

— Банк қарз олувчига омонатда сақланаётган қимнингдур пулини беради. Таълимчи, олинган қарзининг қайтарилмаслиги ҳавфи ҳам бор. Гаровга қўйилган мол-мулк бу ҳавфининг олдинчи олади. Шўндай бўлса-да, хукуматимизнинг қамқўрлиги туфайли чин етимлар, “Меҳрибонлик уйи” тарбия-

ланувчилари, болаликдан биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари ҳамда кам таъминланган оилалар чиққанлар учун кредит беришда фўқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кафилиги асос бўла олади.

— Янги ўқув йили учун таълим кредитининг фойз ставкасининг белгиланган миқдори ҳақида ҳам маълумот бериб ўтсангиз?

— Таълим кредитлари учун фойз ставкаси миқдори Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг юқори бўлмаган миқдорда белгиланади. Бу йил бу миқдор 18 фойз этиб белгиланди.

— Кези келганда шўни ҳам айтиб ўтиш керакки, Фарб мамлакатларида деярли барча ҳисоблар кредит йўли билан юритилади. Чўнки кредит хар томонлама қўлайлигини улар йиллар давомида синовдан ўтказган. Бизнинг ёшлар ҳам ўзлари учун яратилган имкониятлардан ўришли фойдалансалар, нур устига аяло нур бўларди.

Газета саҳифаларида таҳририят Марказий банк томонидан юқоридега келтирилган хатлар ўрнига чикилганлиги ҳақида маълум қилишди. Аниқлаштиришча, хат муаллифлари банкка ёзма равишда мурожаат қилишганилиги боис, кредит олишда муаммоларга дуч келишган. Ўзбекистон республикаси Марказий банки томонидан уларга ўз яшав турган жойларидега банк бўлимларидан бирга керакли ҳўжатларини расмийлаштириб, ёзма равишда мурожаат этишлари лозимлиги билдирилди.

“Халқ сўзи” мухбири Камола МИРЗААХМедОВА сўзлагани.

ланувчилари, болаликдан биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари ҳамда кам таъминланган оилалар чиққанлар учун кредит беришда фўқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кафилиги асос бўла олади.

— Янги ўқув йили учун таълим кредитининг фойз ставкасининг белгиланган миқдори ҳақида ҳам маълумот бериб ўтсангиз?

— Таълим кредитлари учун фойз ставкаси миқдори Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг юқори бўлмаган миқдорда белгиланади. Бу йил бу миқдор 18 фойз этиб белгиланди.

— Кези келганда шўни ҳам айтиб ўтиш керакки, Фарб мамлакатларида деярли барча ҳисоблар кредит йўли билан юритилади. Чўнки кредит хар томонлама қўлайлигини улар йиллар давомида синовдан ўтказган. Бизнинг ёшлар ҳам ўзлари учун яратилган имкониятлардан ўришли фойдалансалар, нур устига аяло нур бўларди.

Газета саҳифаларида таҳририят Марказий банк томонидан юқоридега келтирилган хатлар ўрнига чикилганлиги ҳақида маълум қилишди. Аниқлаштиришча, хат муаллифлари банкка ёзма равишда мурожаат қилишганилиги боис, кредит олишда муаммоларга дуч келишган. Ўзбекистон республикаси Марказий банки томонидан уларга ўз яшав турган жойларидега банк бўлимларидан бирга керакли ҳўжатларини расмийлаштириб, ёзма равишда мурожаат этишлари лозимлиги билдирилди.

“Халқ сўзи” мухбири Камола МИРЗААХМедОВА сўзлагани.



Усталар



Бугунги кўнда ўзбек мусаовилари, ҳўнарманди усталарнинг маҳорати жаҳон миқёсида ўтказилаётган кўрғазларда тобора кенз эътироф этилмоқда.

Пойтахтимизда фаолият юритаяётган “Мусаови” илмий-ишлаб чиқариш марказининг ҳам ўрни беқий. Марказдаги мусаовилар неча минг йиллик бой маънавий меросимиз, қадриятларимизни қайта тиклаш, халқ амалий санъати ва ҳўнармандлигини ривожланти-

риш, қадимдан эъзозлаб келинган “Устоз-шиор” ананаларини давом эттиришдек хайрли мақсадлар йўлида фаол меҳнат қилмоқда.

Уларнинг сай-ҳаракатлари билан қўлачиликнинг барча йўналишлари — териса бадиий ишлаш бериш, бадиий тўқимачилик, матола эъл босиш, бадиий каттачилик, мисарлик, қандкорлик, миллий мусиқа асбоблари ясаш, миниатюра санъати тобора юксалмоқда. Марказда ёшлар ва иншоот-

ларни меъморий жиҳатдан ҳамда миллий беъаз билан боғлиқ ёғоч ва ганч ўймакорлиги ҳақида миллий нақш ишларини бажарувчи юқори маҳалаки, юксак маҳоратга эга усталар фаолият кўрсатаяпти.

СўРАТДА: миниатюрчи усталар (чапдан) Рашид Тўқатов, Руслан Пулатов ва Шўхрөд Шойқўбов иш устида.
Р. ЖУМАНИЗОВ (ЎЗА) олган сурат.



Шифобахш Неъмат маскани

Маълумотларга қараганда, Ўзбекистонда 4,5 мингдан ортиқ турдаги ўсимликлар ўсар экан. Олимлар уларнинг 700 дан кўпроғи шифобахш эканлигини аниқлашган. Амалда эса уларнинг 30 хилдангина дориворлиги сановатда фойдаланилган. Бу микдорни кўпайтириш имконияти мавжудми?

— Мумкин, — дейди республика ўрмон хўжалиги бош бошқармаси қошидаги «Шифобахш» ишлаб чиқариш бirlасмаси бош директори Мамур Оллоёров. — Фақат тоғлар, уларнинг ёнбағирларида, табиий ҳолда ўсватган кўпга ўсимликларни маданийлаштириш лозим.

Доривор ўсимликларни кўпайтириш аввало, табиатни авайлаб-асраш, «Қизил китобга киритиш арасасида турган наботот дунёсини сақлаб қолиш учун зарур. Қолаверса, республикамизда ривожланган доривор

носил саноатини узлуксиз хомашё билан таъминлаш учун кафолат яратилади. Мамлакатимизда айни пайтда доривор ўсимликларни парваришлаган ихтисослаштирилган 8 та хўжалик фаолият кўрсатяпти. Бултур улар дориворлиги қорхоналарига 300 тоннадан зиёд хомашё етказиб берди. Унинг 171 тоннаси маданийлашган эканзорлар хиссасига тўри келади.

Табиий шифо воситалари ҳисобланган доривор ўсимликларни ўстириш, уларни бирламчи қайта ишлаш борасида Поп туманидаги Абу Али ибн Сино номи ўрмон хўжалигининг ўзига хос ўрни бор. Унинг Қурама тис тоғлари этакларида ястаниб ётган салкам 57 минг гектарлик ҳудудда яшил оламнинг катта бойлиги жамланган. 90 дан ортиқ турдаги гиёҳларнинг 22 турти хосили йиғиштирилиб, қайта ишлашга топширилади. Улар орасида

«Наъмат», «Арслонқўрқ», «Тирноқгул», «Мойчечак» сингари ҳар бири ўнлаб кимёвий дори воситалари ўрнини босувчи шифобахш неъматлар бор. Масалан, дориворлар «Каленгула» деб атайдиган «Тирноқгул»ни олайлик. Унинг дамламаси ошқозон-ичак, орак хасталиқлари, томоқ, нафас йўллари шомоллашда даво хисобланади. Қон босимидан азийат чекаётганларга эса «Наъмат» дамламаси тавсия қилинади. Поллик ўрмончилар бултур бюртманчиларга 54 тонна ана шу камёб ўсимликларнинг хосилини жўнаштиди.

— Пировардида, 4,5 миллион сўм фойда қўридик, — дейди ихтисослашган ўрмон хўжалиги раҳбари Алжон Маматқаримов. — Бироқ бу беповён ўрмонзорлар, катта табиий бойликка эга бўлган хўжалик учун жуда кам. Тажриба хомашё етиштиришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш

билангина манфаатдорликни ошириш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Раҳбарнинг гапида жон бор. Чиндан ҳам, баъзан ўрмончилар минг машаққат билан йиғиб-териб топширилган ўсимлик бағри ва гуллари учун арзимagan ҳақ олишяпти. Мисол учун, «Наъмат»нинг килосига тўланаётган пул 500-600 сўмдан ошмайди. Аслида у қадоклиниб, 1500 сўмгача сотилади.

Ўсимлик маданийлаштирилган ҳолда парваришланганда гектаридан 600-800 килограмм хосил беради. Уруғлики экиш, ўғитлаш, қатор ораларига ишлов бериш, хосилини қўлда битта-лаб йиғиб олиш ва уни маҳсул сус шоритада қуритиш ишлари бирмуқам меҳнатлаб-лиги хисобга олинса, пировард натижадан кўнгилик тўлаётганини оидиқлаш-лади. Еки «Мойчечак»ни бирламчи қайта ишлаб, қадокласа, унинг килоси 5,5 минг

сўмга боради. Хўжаликда эса яқин кунларгача хомашё ҳолида бор-йўғи 2000 сўмдан сотилади.

Шу жиҳатдан олганда, жорий йил бошида хўжаликда дориворларни қадоклашга киришилгани айни муддао бўлди. Жамoa аъзоларининг кучи кеча ишга туширилган янги қорхонадан умидлари катта. Олий маълумотли провизор Жалолиддин Жабборқонов раҳбарлигида хомашё бирламчи қайта ишланиб, 50 граммдан қадокланган қорғоз халтачалардаги дориворларга яқинда мувофиқлик сертификати берилади.

Цехда ҳозир 8 киши ишлаяпти. У тўла қувват билан фаолият кўрсата бошлагач, 60 тонна дориворни қадоклаш имконияти вуқудга келади. Бу хўжалик хазинасига қўшимча 20 миллион сўм фойда олиб келади.

Республика ўрмон хўжалиги бош бошқармаси ақинда «Ихтисослашган ўрмон

итлар яратилса...

Болалар билан суҳбат давомида эртага улар юрт шаънини олам аро дoston қилишга қодир йигитлар бўлиб етишишларига ишонасан. Негаки, ўзларига бўлган ишонч, шиддат ана шу нурли келажакдан далolat беради.

Спортни сеувучи, юрт шарафини халқроқ давраларда хомчи қилиш иштиёқида очик ҳавода машғулот утаётган болалар «катта»ларнинг ваъдалари қишгача қўзилиб кетмасмикан, — деган Хавотирда. Негаки, ҳеч қандай спорт анжомларисиз куруқ полнинг ўзида машғулот ўтказишнинг ўзи бўладими? Улар шунчаки тўп тепиб юриш ниятидан йироқ, элнинг ардоғидаги спортчилар бўлиб етишиш иштиёқида. Бунинг учун эса, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасидаги амакижонлар ўз ваъдаларини бажаришга бас, олам гулистон. Шунда Сўздан ҳам жаҳонга донги кетган спорт юдузулари чиқса ажаб эмас.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

Ўзбекистон акциядорлик тижорат саноат-қурилиш банки
«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» и
 акциядорлари диққатига!

Банк кенгашининг 2004 йил 30 июлдаги 34-сонли қарорига кўра, Ўзбекистон акциядорлик тижорат саноат-қурилиш банки 2004 йилнинг 2-чораги учун имтиёзли акция эгаларига 10 фоиз микдорда оралик дивидендлар тўлаишини эълон қилади.

«Ўзсаноатқурилишбанк» кенгаши

TAZIA «TAHOSERVIS-AZIA» МЧЖ
ТАХОГРАФЛАРНИ
 таклиф этади.

Тел.: (99890) 187-67-16, (99897) 119-12-58. Факс: (99871) 123-98-30.

Битта комплект нархи MA3 автомашинасига ўрнатиб бериш билан бирга — 590 минг сўм.

ЎРНАТИШ, ТАЪМИРЛАШ, КАЛИБРОВКА, ҲУЖАТЛАРНИНГ ТЎЛИҚ ТЎПЛАМИ.

Товар сертификатланган, хизматлар лицензияланган.

Ташкилот ва фирмалар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси
ТИАА «Ўзбектендерконсалтинг» агентлиги
АҚШ Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан
«Тараққиёт учун озиқ-овқатлар»

дастури асосида
 тақдим этилган қўшимча ҳажмда
СОЯ МОЙНИ
 миллий валюта — сўмга сотиш учун
 тендер савдолари мuddати
 узайтирилганлигини маълум қилади.

Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнгги мuddати — 2004 йил 30 август соат 17.00гача.

Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун «Ўзбектендерконсалтинг» агентлигига мурожаат қилиш мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Ипак йўли к., 75-уй, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги биноси. Тел.: 68-25-51, 68-75-10. Факслар: 68-75-96, 68-27-42.

Термизда фил, Бегемот... яшайди




Термиз шаҳрида фил яшарди. Сурхондарёликлар уни Том деб атадилар. Кўриниши томдай каттакон, уйдаи фил эди-да ўзиям. Унинг отини каттаю кичик ҳамма биларди. Каттаю кичик ҳамма ҳеч бўлмаганда йилгига бир марта уни кўргани шаҳарнинг Амударё қирғоғидаги ҳайвонот боғига келиб кетарди.

керак, — дейди ҳайвонот боғи директори Чори Сатторов. — Яқинда биз, масалан одамлар Цимба деб эркакчи шерни жуфтлаб қўйдик. Айтқларимиз ўзларидан униб-ўсиб қолишди. Энди Тошкент ҳайвонот боғи маъмури билан қолонларимизни ҳам «ЗАГС»дан ўтказиб қўйиш режаларини гапашаяпмиз. Яна бир янгилик: Қийман тисхоини ва бўйма илонини олиб келдик. Хулласи калом, бугун жаҳоннинг унча-мунча ҳайвонот боғлари билан беллашадиган тарзимиз бор. Лекин...

Ха, лекин боғда фил йўқ. Кўриниши, юриш-туриши хали одамларнинг кўз ўнгида кетмаган ва йўғон занжирларини узиб шеру қоллонларни кўриган Том йўқ. Шунингизда ховуздан сувларни тошириб юборган ва мактаб болалари нима учун дери болта-бақалоқ деб эркаклайдиган бегемот полвон йўқ.

— Бўлади. Фил ҳам бегемот ҳам бўлади, — дейди директор вадасининг ростлигини, кулгисининг самимийлиги билан тасдиқламоқчидай бўлиб. — Ўзбекистонда ҳозир битта фил бор. Уям бўлса Тошкент ҳайвонот боғида. Иккинчиси бизда бўлади. Москвадаги ҳайвонот боғи ва бошқа боғлар маъмури билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўя бошладик. Фил учун жой-макон ҳозирлашмиз. Бегемот учун ҳам. Табиат шайдоларининг кўнгилиларини олмақ учун бор ҳаракатимизни қилаяпмиз.

Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Сўзингиз Чинмиди ё ёлғон?

Сўх тумани Фарғона вилоятининг қўшни давлатлар билан чегарадош ҳудудларидан саналади. Яқинда ана шу туманда хашар йўли билан «Болалар спорт мактаби» қурилиб фойдаланишга топширилди. Ҳозир бу ерда 520 нафар бола спортнинг 6 тури бўйича машғулотлар ўтказиш имкониятига эга. Бироқ, бу ерда машғулот ўтказиш учун зарур спорт жиҳозларининг йўқлиги бунга монелик қилмоқда. Тўғри, спорт анжомлари йўқ экан, деб машғулотлар тўхтаб қолаётгани йўқ. Спорт жонқурали бarchа машғулотларни табиат қўйида ўтказишяпти. Бироқ, бу етарли эмасда.

— Яқинда Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси раҳбарияти туманимизда

бўлиб, бизга спорт анжомлари совға қилишга ваъда бериб кетишганди, — дейди сўхлик ёш спортчилар. — Шундан буюб катталарнинг ваъдаларини кутаяпмиз. Ажаб эмас, янги йўқлиги қадар катталар ваъдаларининг устидан чиқиса ва бизнинг машғулот ўтишимиз учун етарли шаро-



Vinlad
 Ҳайтишимизни осойишта қиламиз!

ВИДЕОКУЗАТУВ
Panasonic
J&S
PELCO

ТВ-камералар..... 57000 сўмдан бошлаб
 Мониторлар..... 332800 сўмдан бошлаб
 Квадраторлар..... 452500 сўмдан бошлаб
 Рақамли рўйхатга олувчи мосламалар.... 805000 сўмдан бошлаб

ва бошқа ускуналар

ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН
ТЎЛОВ ШАКЛИ — ТУРЛИЧА.

PNV-24
 МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН

Периметрни кўриқасан тизимлари, телекузатув, кириш йўли назорати, кўриқасан ва ёнгин хавфсизлиги ускуналари, аудио ва видеодемонстрация, UPS, мемора детекторлари ва бошқа ускуналар.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-уй. Тел.: (998 712) 50-99-13, 50-46-13. Тел./факс: (998 71) 120-66-01.
 e-mail: vinlad@sarkor.uz; vinlad@vinlad.com www.vinlad.com

Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

Товар сертификатланган

ИШЛАБ ЧИҚАРУВИ
ЗАВОДЛАРИ
«ИЖМАШАВТО» ОАЖ,
«ГАЗ» ОАЖ да
 ишлаб чиқарилган бarchа турдаги моделларига бюртмалар қабул қилади ва сотади.

Шунингдек, қишлоқ хўжалик махсулотлари эвазига автомобиль етказиб беришни таклиф қилади.

Мулоқот учун телефонлар:
 Тошкентда: (99871) 132-10-35, 132-12-01; 132-03-62;
 Наманганда: (36944) 22-35-9, (99897) 104-25-86.

«ГАЗ-31105»
 «ВАЗ-2106»
 «ГАЗ-3102»
 «ГАЗЕЛЬ»

Тошкент вилояти, Оҳангарон туманида рўйхатдан ўтган «Узлук» хусусий фирмаси банкрот дея эътироф этилиши муносабати билан кредиторлар йиғилиши 2004 йил 3 август куни соат 11-00 да Оҳангарон тумани ДСИ биносида ўтказилади. Оҳангарон тумани ДСИ маъмурияти.

Тошкент шаҳар Бектемир тумани, Хусайн Байқаро кўчаси, 37-А уй мазлифда жойлашган «Нигора-Индора» хусусий корхонасига тегишли бўлган дўкон биноси учун таяёрланган 2-15/98-РЕЕСТР рақамли кадастр ҳужжатлари йўқолишини сабабдан бекор қилинади.

О'ЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК
 Кўпларни танишади — муносибларни танлашади!

«ВОЛГА» автомобиллари
«ГАЗЕЛЬ» сотилади

«ГАЗ» ОАЖнинг расмий дилери Тошкент шаҳридаги омбордан ГАЗ-31105, ГАЗ-3102, ВАЗ-2107 автомобиллари ва «Газель» русумидаги юк машинасини таклиф этади.

Автомашиналар темир йўл орқали вагонларда келтирилган.

191-03-80, 191-10-43.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Котибати катта референт Шовира Сатторовна АБДУРАҲМОНОВНИНГ вафот этганини муносабати билан марҳуманинг оида аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги «Узавнефтегазиспекция» жамоаси «Газергонзор» бошлиғи Ботир Тешабоева ўли.

ЖАҲОНГИРНИНГ бевақт оламдан ўтганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир **Аббосхон УСМОНОВ**

Таҳрир хайъати: Э. Болев (маъсул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (маъсул котиб — «Народное слово»), М. Мираллимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Утбосаров, А. Ҳайдаров, Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
 Газетхоналар билан алоқа ва минақалар бўлими 133-52-55;
 Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақом билан рўйхатга олинган.
 Буюртма Г — 966, 22129 нускада босилади.
 Ҳафта — 2 табоқ. Ҳафтасида босилади.
 Калом бичими А-2
 Газета ИВМ компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғоев ва Баҳодир Файзулла томонидан текширилди.
 Таҳририятда ҳафта 5 докдан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
 П-Тижорат материал

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
 700000, ГСП,
 Тошкент шаҳри,
 Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
 Навбатчи котиб — А. Орпшов.
 Навбатчи муҳаррир — Ф. Сапанов.
 Навбатчи — С. Ҳайдаров.
 Мусаввир — М. Екубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. Ҳафта якуни — 20.00 Топширилди — 21.45 1 2 3 4 5